

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«\_\_\_\_\_» МЧЖ  
Раҳбари:\_\_\_\_\_

“ \_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021й.

# ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАР

Заргарлик маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш фаолиятини ташкил этиш  
хамда тадбиркорлик фаолиятини  
ривожлантириш лойихаси

САМАРҚАНД-2021

**ТАДБИРКОР:**

Самарқанд вилояти, \_\_\_\_\_ истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси \_\_\_\_\_

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ:**

Тадбиркор ўз махблағлари хисобидан ва банк кредитлари хисобидан ташкил қилишини режалаштирган

**Тадбиркор фаолият қўрсатиш манзили:**

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти \_\_\_\_\_

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

Банк: \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_\_»банк, Самарқанд филиали

X/p.: \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО): \_\_\_\_\_

СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_

**ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

- **Лойиха суммаси: 1 600 000 000 сўм**
- **Лойихада қатнашадиган шахсий маблағ: 37.5 фоиз ёки 600 000 000 сўм**
- **Лойихада қатнашадиган кредит маблағлари 62.5 фоиз ёки 1 000 000 000 сўм;**
  - **Кредит фоизи 15%**
  - **Ўртacha йиллик даромад: 5 723 400 000 сўм**
- **Фаолиятдан олинадиган йиллик ўртacha соф фойда миқдори: 1 585 962 000 сўм**

- **Лойиханинг соф фойда ҳисобидан реал оқланиш муддати: 24 ой**

**Лойиханинг ўртacha рентабеллик даражаси: 18%**

- **Яратиладиган ишчи ўринлари сони: 8 та**

## **ЛОЙИХАДА КҮЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД**

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ажратилган Кредит маблағларидан унумли фойдаланиш, юртимиз иқтисодий ривожига хисса қўшиш, бўш иш ўринларини ятиш, инвестиция маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида Самарқанд вилоятида фаолиятни йўлга қўйиб 8 янги иш ўрнига ўринга мўлжалланган заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасини ташкиллаштириш ва ишлалаб чиқаришдан тушган даромадлар хисобидан кредитни қайтариб, тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўришдан иборат. Ташкиллаштириш орқали хўжалик фаолиятини кенгайтириш. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар тадбиркорнинг ўз маблағлари ва «\_\_\_\_\_» банк кредит маблағлари хисобидан амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

## **БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ**

### **КИРИШ**

Мамлакатда маҳаллий заргарлик тармогини тиклаш ва ривожлантириш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлардан фойдаланиш имкониятининг берилиши ишлаб чиқарилаётган маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш имконини яратди.

Шу билан бирга, соҳада тизимли камчиликларнинг мавжудлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, сифатли заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилиб, тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сифатли ва рақобатбардош заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардош ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика заргарлик тармогини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

24      Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган **маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга** ишлаб чиқарувчининг рўйхатдан ўтказилган шахсий тамғасини буюмга босиш шарти билан давлат асиллик даражаси белгисини мажбурий равища қўймасдан ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларнинг (кейинги ўринларда – заргарлик буюмлари) асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изларини қўйиш хуқуқи берилсин.

Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равища чакана тартибда сотиш, шунингдек, ахолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмларни ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олиш хуқуқига эга;

Устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган юридик шахслар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқаришда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартибини мустақил равища белгилайдилар;

**2. Тижорат банклари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга қуйидаги хуқуқлар берилсин:**

“Навоий КМК” ДК ва “Олмалиқ КМК” АЖдан қимматбаҳо металларни (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари кўринишида, шунингдек, 5 грамм ва ундан ортиқ бўлган оғирликдаги гранулаларни (қимматбаҳо металлар соф оғирлигига қайта ҳисоблаганде) Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг тонгти фиксинги асосида миллий валютада сотиб олиш;

**Сотиб олинган қимматбаҳо металларни бошқа заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларига сотиш.**

“Ўзстандарт” агентлиги “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси, “Навоий КМК” ДК ва “Олмалиқ КМК” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандни амалга ошириш имкониятини таъминлашни инобатга олган ҳолда **Қимматбаҳо металлар (олтин ва кумуш) ўлчов пластиналари ҳамда гранулаларининг давлат стандартини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.**

**3.** 2019 йил 1 июндан бошлаб **қимматбаҳо металларни сотиб олиш учун берилган миллий валютадаги тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган, бироқ кредитлар бўйича 5 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисмида **қоплаш учун** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш орқали маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилсин.

Молия вазирлиги заруратга қараб, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига мазкур бандда кўрсатилган мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан**2019-2020 йилларда 40 миллиард сўмгача микдорда** маблағ ажратсин.

**4.** Ўзбекистон Банклар асоциацияси тижорат банклари билан биргаликда **заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металларни сотиб олиши учун қисқа муддатли револьвер (қайта тикланувчи) кредитларни ажратиш амалиётини кенгайтирсин.**

Тадбиркор “Азиз Амира Голд” МЧЖ ушбу лойиҳасида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкиллаштириб, хусусан заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун **1 600 000 000** сўм микдорида инвестиция маблағини киритишни кўзда тутган бўлиб, ушбу маблағлар хисобидан ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун сарфланади. Эвазига эса рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Хукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик негизида ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга катъий киришганлиги,

соҳанинг истиқболлари ва кўзланаётган режаларнинг амалга ошишини ҳисобга олиб ушбу лойиха молиявий жиҳатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор хукуматнинг солиқ ва бошка турдаги имтиёзлар билан тўлақонли қўллаб-қувватлашига эришади.

## **ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ**

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бизнес фаолиятини режалаштиришнинг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тўгри ташкил этилган бизнес режа хар бир тадбиркор учун энг долзарб масала соҳага инвестиция қилиш жозибадорлиги изохлайди. Ушбу бизнес режа зарагарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш уларни ва ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан юртимиз бозорларини тўйинтириш ва келажакда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспортга йўналтиришни режалаштириган.

Бундан ташқари ушбу корхонанинг ташкил этилиши ташкил этилиши ишчи ходимлар учун хам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради, ҳусусан ишчиларни хизмат автотранспортларида ишгача олиб келиш ва уйигача олиб бориш ва бошқа шу каби бир қанча қулайликлар мавжуд.

### **Лойиҳани амалга ошириш иккибосқичдан иборат.**

#### **1 БОСҚИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши.**

**Вақт оралиғи:** 1-2- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктисадий ҳисоб китоблари, техник иктисадий асоси ва бизнес режасини ишлаб чикиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб берувчи ташкилотлар (Республика худуди ва чет – эл) билан сотиб олиш буйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий савдо ташкилотлари билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлган олди-сотти хамкорликлар буйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ўзлаштириш.

## **2 БОСҚИЧ: Қурилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш.**

**Вақторалиғи:** 3-4- ойлар

**Килинадиган ишлар:** Ажратилған кредит мабдағларини ўзлаштириб лойихада күзда тутилған барча ишларни якунлаш. Яъни бу босқичда аввало маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлған асбоб-ускуналарни сотиб олиш. Бу фаолиятни Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри худудида ташкил этилиши режалаштирилган.

### **ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ**

Лойиҳанинг асосий мазмунини Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри худудида Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўриш, шунингдек вилоят аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан қўллаб – қувватлаб, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Стратегик жиҳатдан корхона қўшимча иш ўринларини яратиб, маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашни, Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш биноси атрофидаги ташландиқ ерларни ободонлаштириб, худуд инфратузилмаси ривожига ҳисса қўшишни, ободонлаштириш натижасида экология яхшиланишига ҳам ҳисса қўшишни мақсад қилган.

Стратегик жиҳатдан тадбиркор ўз олдига юқорида айтиб ўтилған барча мақсадларга эришишни ва лойиҳа даврида (15 йил) тўлақонли тухтовсиз ишловчи корхона яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жиҳатдан энг маъқул мухитни яратишни ва худуд аҳолиси учун юқори сифатли, хаммабоп ва арzon маҳсулотлар яратишни мақсад қилиб қўяди. Тадбиркор бу мақсадларга эришиш оркали аҳоли иқтисодий-ижтимоий аҳволини ривожланишига ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичида шаҳар, вилоят ва Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашни, истиқболда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сонини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида тадбиркор олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда Самарқанд вилоятида Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси сифатида қўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб олишни олдиғаги истиқболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## ЛОЙИХА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Хариди режалаштирилган маҳсулот умумий қиймати – **1 600 000 000** сўм.

Фаолиятнинг мазмуни–Самарқанд вилояти ҳудудида банк имтиёзли кредитлари ҳисобидан Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси.

Лойиха суммаси (киритиладиган инвестициялар ҳисобидан): **1 600 000 000** сўм.

Солик тўловлари амалга оширилгунга қадар бўлган соф фойда (ўрта ҳисобда) – **1 814 898 000** сўм.

Ўрта ҳисобдаги йиллик соф фойда – **1 585 962 000** сўм

Лойиханинг тўла қопланиш муддати – **2** йил.

Лойиха самарадорлигининг интеграл кўрсаткичлари	
Кўрсаткич	Мазмун
Лойиханинг ялпи даромаддан ўзини оқлаш муддати	2 йил
Лойиханинг соликлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан оқланиш муддати	1 йил
Кредит кайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати	2 йил
Ўртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	<b>18 %</b>
Тўла оқланиш даври	2 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги таҳлили шуни кўрсатадики, хатто фаолият ривожининг пессимитик сценарийси барқарор кўрсаткичларга ҳамда ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессимитик прогнозларда (бошқаларга нисбатан паст нарҳлардаги маҳсулотни назарда тутиб) юқорилиги, яъни ялпи даромадга нисбатан **15** фоиз ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойихани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди.

Бундан ташқари, лойиханинг мавсумийлик характерга эга эмаслигини ҳисобга олсак, бу иш хақи харажатларининг иш хажмига қараб ошириб бориш имкониятлари мавжудлиги ва лойихадаги инвестиция маблағидан бир эмас, бир

неча маротаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тўла кайтарилишининг рисклардан холи равишда кафолатланганлиги ва фаолиятни ахолига сифатли заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ўзини оқлаб, фойда келтирилишини, лойиҳанинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди.

Бу эса ўз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ**

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ**

Режалаштирилаётган тадбиркорлик фаолиятида ишчилар иш вақтида 30 дақиқадан дам оилишлари учун хона ташкил этилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, корхона раҳбари корхонани ташкил этишда ишчиларга яхши иш шароитлари яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

### **КОРХОНА ҚУВВАТИ**

Тадбиркор ташкил этилиши режалаштирилаётган корхонада заргарлик маҳсулотлари 1 гр 999,9 маркали олтин маҳсулотидан 1,71 гр 585 маркали олтин маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

#### **4 – Жадвал. Ишлаб чиқариш қуввати**

**сўмда**

100 % қувватда					
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>ойлик ишлаб чиқариш хажми</b>			
		<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Кунлик ишлаб чивариш Сони</b>	<b>Бир бирлик нархи</b>	<b>Жами сумма</b>
1	Сирға	Гр	35	450 000	15 750 000
2	Узук	Гр	30	420 000	12 600 000
3	Билак узук	Гр	65	600 000	39 000 000
4	Колье	Гр	115	850 000	97 750 000
5	Тилла занжир	Гр	95	650 000	61 750 000
6	Брояжка	Гр	28	450 000	12 600 000
7	Брылок	Гр	35	450 000	15 750 000
8	Тилла соат	Гр	170	800 000	136 000 000
9	Кулон	Гр	75	450 000	33 750 000
10	Браслет	Гр	130	400 000	52 000 000
<b>Жами</b>					<b>476 950 000</b>
<b>сўмда</b>					
<b>1-йилда</b>	<b>Нарх усиши –</b>		<b>Кувват =%</b>		<b>1,00</b>

		<b>10%</b>				
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>оýлик ишлаб чиқариш хажми</b>				
		<b>Үлчов бирлиги</b>	<b>Сони</b>	<b>Бир оýлик түлови</b>	<b>Йиллик түлови</b>	<b>Жами</b>
1	Сирға	Гр	420	450 000	5 400 000	189 000 000
2	Узук	Гр	360	420 000	5 040 000	151 200 000
3	Билак узук	Гр	780	600 000	7 200 000	468 000 000
4	Колье	Гр	1380	850 000	10 200 000	1 173 000 000
5	Тилла занжир	Гр	1140	650 000	7 800 000	741 000 000
6	Брежка	Гр	336	450 000	5 400 000	151 200 000
7	Брылок	Гр	420	450 000	5 400 000	189 000 000
8	Тилла соат	Гр	2040	800 000	9 600 000	1 632 000 000
9	Кулон	Гр	900	450 000	5 400 000	405 000 000
10	Браслет	Гр	1560	400 000	4 800 000	624 000 000
<b>Жами ишлаб чиқариш қиймати</b>						<b>5 723 400 000</b>
<b>2-йилда</b>	<b>Нарх усиши – 15%</b>	<b>Қувват=%</b>				<b>1,00</b>
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>оýлик ишлаб чиқариш хажми</b>				
		<b>Үлчов бирлиги</b>	<b>Сони</b>	<b>Бир оýлик түлови</b>	<b>Йиллик түлови</b>	<b>Жами</b>
1	Сирға	Гр	462	495 000	5 940 000	228 690 000
2	Узук	Гр	396	462 000	5 544 000	182 952 000
3	Билак узук	Гр	858	660 000	7 920 000	566 280 000
4	Колье	Гр	1518	935 000	11 220 000	1 419 330 000
5	Тилла занжир	Гр	1254	715 000	8 580 000	896 610 000
6	Брежка	Гр	370	495 000	5 940 000	182 952 000
7	Брылок	Гр	462	495 000	5 940 000	228 690 000
8	Тилла соат	Гр	2244	880 000	10 560 000	1 974 720 000
9	Кулон	Гр	990	495 000	5 940 000	490 050 000
10	Браслет	Гр	1716	440 000	5 280 000	755 040 000
<b>Жами</b>						<b>6 925 314 000</b>
<b>3 йилда</b>	<b>Нарх усиши – 15%</b>	<b>Қувват=%</b>				<b>1,00</b>
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>оýлик ишлаб чиқариш хажми</b>				
		<b>Үлчов бирлиги</b>	<b>Сони</b>	<b>Бир оýлик түлови</b>	<b>Йиллик түлови</b>	<b>Жами</b>
1	Сирға	Гр	531	569 250	6 831 000	302 442 525
2	Узук	Гр	455	531 300	6 375 600	241 954 020
3	Билак узук	Гр	987	759 000	9 108 000	748 905 300
4	Колье	Гр	1746	1 075 250	12 903 000	1 877 063 925

5	Тилла занжир	Гр	1442	822 250	9 867 000	1 185 766 725
6	Брожка	Гр	425	569 250	6 831 000	241 954 020
7	Брылок	Гр	531	569 250	6 831 000	302 442 525
8	Тилла соат	Гр	2581	1 012 000	12 144 000	2 611 567 200
9	Кулон	Гр	1139	569 250	6 831 000	648 091 125
10	Браслет	Гр	1973	506 000	6 072 000	998 540 400
<b>Жами</b>						<b>9 158 727 765</b>

### **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби б қишини ташкил қиласди. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил қилиб, қолган 4 киши ишчи хизматчилардан иборат бўлади.

Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари ва хисобчидан иборат бўлади.

Ишчи – хизматчи ходимлар таркиби эса 4 нафар ишчидан иборат бўлади.

Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик олти иш куни тартибida ташкил этилади, яъни эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 17:00 гача (тушлик 13:00 дан 14:00 гача) иш вақти ҳисобланади.

(Қаранг: ҳисоб-китоби Молиявий бўлим, 13- жадвал)

### **ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ**

Ишлаб чиқариш жараёни сифатли бўлиши учун режалаштирилаётган фаолият малакали ишчи кучи ва билим талаб қиласди. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга қўйидаги талаблар қўйилади. Жумладан:

- 1. Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар:** олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ухшаш соҳада камида икки йил давомида ишлаган бўлиши, вижданийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.
- 2. Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар:** энг камида ўртамахсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари, тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва хакконийлик, махаллий халк анъаналари ва удумлари билан танишлиқ, биттадан ортиқ тилни билишилиги каби сифатларга хам алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга хам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўкув-малака амалиётлари, айни ёки ўхшаш

фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон худудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ва бошкарув амалиёти буйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб тuriш каби ишлар режалаштирилган.

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ташкил этилиши мўлжалланаётган корхона барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд ва уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан биноларни ёритиш ва ускуналар ишлами учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига бўлган талаби 65 кВт ва йиллик сарф миқдори 20 280 кВт.ни ташкил этади.

Электроэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади.(Қаранг: 14- жадвал)

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ


### ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Корхонананг иқтисодий бозордаги талаб таклифдан кўпроқ бўлиб, бунга йил давомида маҳсулот сифати тўлиқ реализацияси ва ички бозордаги нарҳларнинг меъёрий нарҳлардан анча юқорилиги далил бўла олади.

Соҳанинг кейинги ун йиллик ичидаги ривожланиши таклиф сонининг кескин ортишига ва аҳолини эҳтиёжини қондирилишига эришилаётган бўлганлигига қарамасдан ушбу сифатли таълимга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормокда.

#### Талаб ва таклиф мутаносиблиги.

Махсулот хажми ( $Q$ )



#### Шартли белгилар:

- $Q$  – Бозорга олиб чиқилган маҳсулот
- $P$  – Сотилган маҳсулот нарҳи
- $Tб$  – маҳсулотга бўлган потенциал талаб
- $Tф$  – маҳсулотнинг потенциал тақлифи
- $O$  – Талаб ва тақлифнинг оптимал ҳолати (нарҳ ва маҳсулот миқдорининг оптимал кесишув нуқтаси)
- $B$  – бўгуни кундаги ички бозоридаги юкори нарҳ ва маҳсулот миқдорининг камлигини изохловчи нуқта
- $dQ$  – етишилаётган маҳсулот миқдори
- $dP$  – оширилган нарҳ

## **ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

Потенциал талаб сифатида аҳолининг сифатли маҳсулотга бўлган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматга эхтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамасдан республика миқёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд.

### **Потенциал талабга қўйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказади:**

- Бозорда таклифнинг талабдан кам бўлиши (маҳсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган маҳсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.
- Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.
- Ижтимоий сиёsat – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қиласи.
- Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.
- Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иктисадий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор холатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий оғатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

### **SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ**

5 – жадвал.

<b>Афзалликлар (Strengths)</b>	<b>Заифликлар (Weaknesses)</b>
<ol style="list-style-type: none"><li>1. Янги замонавий технология.</li><li>2. Нарҳ ва таннархнинг нисбатан пастлиги.</li><li>3. Мақсад аниклиги ва мақсад сари интилувчанлик</li><li>4. Юқори сифат</li><li>5. Кредит фоизларининг нисбатан</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ташқи омилларга таъсирчанлик, маҳсулот яроқлилий муддатининг озлиги</li><li>2. Дастраслабки босқичларда хорижий валюталар курсининг ишлаб чиқариш ва савдо – фаолиятига таъсири.</li><li>3. Истеъмолчилар ва харидорлар</li></ol>

<p>солиштирма пастлиги ва солик имтиёзларининг мавжудлиги</p> <p>6. Рақобатбардошлилик</p> <p>7. Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.</p> <p>8. Ва. X. к.</p>	<p>ишончини ва ишлаб чиқариш кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар</p> <p>4. Дастребки босқичда бозорнинг рақобатига таъсирчанлик</p> <p>5. Об ҳаво шароитлари ва хосил холатига боғликлек.</p> <p>Ва. X. к.</p>
<b>Имкониятлар (Opportunities)</b>	<b>Тусиклар (Treats)</b>
<p>1. Четдан қўшимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги</p> <p>2. Ўз савдо шахобчаларини очиб, улар оркали маҳсулот сотишни йўлга қўйиш имкони мавжудлиги</p> <p>3. Нарх (камайтириш ва кўпайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш</p> <p>4. Ва. X.к.</p>	<p>1.Юзага келиши мумкин бўлган ғирром рақобат</p> <p>2.Дастребки вақтда бозорга чиқиш ва маҳсулотни сотиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.</p> <p>3.Ва. X..</p>

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда худудий бозорларда ва бошка худудларда корхона фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади.

Корхонанинг мувафаққиятли ташкил этилиши учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар харид микдори юқори бўлса) режалаштирилган.

Ундан ташқари корхона раҳбари Заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этишда ишчиларга пуллик рағбатлантиришлар берини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Корхона 6 иш ўрнига мўлжалланган бўлиб ишчиларнинг ойлик иш хақи корхона даромадолари ошиши нисбатига оширилиб боришини режалаштирган.

## ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

### 8-жадвал. Лойиха тўғрисида қисқача маълумот

Лойиханинг номланиши	
Лойиха суммаси	1 600 000 000

Лойиха иштирок этадиган шахсий инвестиция	600 000 000 сўм
Лойиҳада катнашадиган кредит микдори	1 000 000 000 сўм
Лойиҳада режалаштирилаётган Ўртacha йиллик соф фойда	<b>1 585 962 000</b> сўм
Лойиха муддати	24 ой
Лойиҳанинг реал оқланиш муддати	18оий
Кредит Фоизи	14%
Лойиҳани режалаштириш санаси	
Лойиха тадбиркори	
Лойиха тадбиркорининг манзили:	
Тадбиркорнинг телефон рақами	

## УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

### Жадвал № 9. Кредит маблағларининг сарфланиши ва молиявий харажатлар.

А. Кредит ҳисобига харид қилинаётган маҳсулот					
№	Маҳсулот номи	Ўлч.бир.	Сони (дона)	Режалаштирилаётган харид нарҳи (сўм)	Жами қиймат сўмда
2	Ювиш ускунаси	X	2	4 000 000	8 000 000
3	Махсус пайвандлагич	X	5	2 500 000	12 500 000
4	Воск аппарати	X	2	41 000 000	82 000 000
5	Вальс ускунаси	X	2	42 000 000	84 000 000
6	Филлер	X	2	6 000 000	12 000 000
7	Махсус диск	X	2	21 500 000	43 000 000
8	ДАН Бочок	X	5	6 000 000	30 000 000
9	Пистолет кичкина	X	7	800 000	5 600 000
10	Пистолет катта	X	7	1 200 000	8 400 000
11	Сайқаллаш ускунаси	X	3	23 500 000	70 500 000
12	Пар воск аппарати	X	2	23 000 000	46 000 000
13	Химка Аппарати	X	2	21 000 000	42 000 000
13	Конус	X	30	300 000	9 000 000
14	Бор ускунаси	X	1	41 000 000	41 000 000
15	Стеллаж	X	3	22 000 000	66 000 000
16	Майда ускуналар тўплами	X	1	40 000 000	40 000 000

17	Олтин хом-ашёси	X	1.7	588 000 000	1 000 000 000
<b>Жами :</b>				<b>1 600 000 000</b>	

**Жадвал № 10. Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари**

<b>A. Лойиҳанинг умумий қиймати</b>			
<b>№</b>	<b>Кўрсаткичларнинг номланиши</b>	<b>Махаллий валюта (сўм)</b>	<b>Хиссаси (%)</b>
1	Ускуна сотиб олиш	600 000 000	
2	Хом-ашё	1 000 000 000	
	<b>ЖАМИ</b>	<b>1 600 000 000</b>	
2	Руйхатга олиш тўлови (нотариус)	1 600 000	
3	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	1 000 000	
4	Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	4 000 000	
	<b>ЖАМИ</b>	<b>6 600 000</b>	
	<b>ЖАМИ ЛОЙИҲАНИНГ БОШЛАНГИЧ ҚИЙМАТИ</b>	<b>1 338 254 000</b>	<b>100</b>
<b>B. Молиялаштириш манбаалари</b>			
<b>№</b>	<b>Кўрсаткичларнинг номланиши</b>	<b>Шахсий маблағ иштироки</b>	<b>кредит иштироки</b>
5	Ускуна сотиб олиш	600 000 000	0
6	Хом-ашё		1 000 000 000
6	Руйхатга олиш тўлови (нотариус)	1 600 000	0
7	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	1 000 000	0
8	Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	4 000 000	0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>606 600 000</b>	<b>1 000 000 000</b>
	<b>ФОИЗЛАРДА:</b>	<b>%</b>	<b>%</b>
<b>C. Жами молиялаштириш ва манбаалар</b>			
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>Сўм</b>	<b>%</b>
1	Шахсий маблағ иштироки	<b>606 500 000</b>	
2	Кредити қиймати иштироки	<b>1 000 000 000</b>	
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>1 606 600 000</b>	<b>100%</b>

## КОРХОНА ДАРОМАДИ РЕЖАСИ

### Жадвал № 11. Ишлаб чиқариш ва ялпи тушум режаси

Ишлаб чиқаришдан тушган тушум прогнози					
№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Йиллик тўлови	Жами
1 йилда					
1	Сирға	Гр	420	5 400 000	189 000 000
2	Узук	Гр	360	5 040 000	151 200 000
3	Билак узук	Гр	780	7 200 000	468 000 000
4	Колье	Гр	1 380	10 200 000	1 173 000 000
5	Тилла занжир	Гр	1 140	7 800 000	741 000 000
6	Брожка	Гр	336	5 400 000	151 200 000
7	Брылок	Гр	420	5 400 000	189 000 000
8	Тилла соат	Гр	2 040	9 600 000	1 632 000 000
9	Кулон	Гр	900	5 400 000	405 000 000
10	Браслет	Гр	1 560	4 800 000	624 000 000
<b>Жами</b>					<b>5 723 400 000</b>
2 йилда					
1	Сирға	Гр	462	5 940 000	228 690 000
2	Узук	Гр	396	5 544 000	182 952 000
3	Билак узук	Гр	858	7 920 000	566 280 000
4	Колье	Гр	1 518	11 220 000	1 419 330 000
5	Тилла занжир	Гр	1 254	8 580 000	896 610 000
6	Брожка	Гр	370	5 940 000	182 952 000
7	Брылок	Гр	462	5 940 000	228 690 000
8	Тилла соат	Гр	2 244	10 560 000	1 974 720 000
9	Кулон	Гр	990	5 940 000	490 050 000
10	Браслет	Гр	1 716	5 280 000	755 040 000
<b>Жами</b>					<b>6 925 314 000</b>
3 йилда					
1	Сирға	Гр	531	6 831 000	302 442 525
2	Узук	Гр	455	6 375 600	241 954 020
3	Билак узук	Гр	987	9 108 000	748 905 300
4	Колье	Гр	1746	12 903 000	1 877 063 925
5	Тилла занжир	Гр	1442	9 867 000	1 185 766 725
6	Брожка	Гр	425	6 831 000	241 954 020
7	Брылок	Гр	531	6 831 000	302 442 525
8	Тилла соат	Гр	2581	12 144 000	2 611 567 200
9	Кулон	Гр	1139	6 831 000	648 091 125
10	Браслет	Гр	1973	6 072 000	998 540 400
					<b>9 158 727 765</b>

## ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ

### Жадвал № 12. Хом – ашё хариди учун йиллик САРФ - ХАРАЖАТЛАР

хом-ашё сарфи (100% қувватда) (50 киши хисобидан)							
№	Номланиши	Үл/б	Бир кунлик сарфи	Бир ойлик сарфи		Бир йиллик сарфи	
				Сони	суммаси	Сони	суммаси
1	Олтин	гр	26	780	268 320 000	9 360	3 219 840 000
<b>Жами:</b>						<b>3 219 840 000</b>	
1-йил		хом-ашё сарфи (100 % қувватда)					
№	Номланиши	Үл/б	Бир кунлик сарфи	Бир ойлик сарфи		Бир йиллик сарфи	
				сони	суммаси	Сони	Суммаси
1	Олтин	гр	26	780	268 320 000	9 360	3 219 840 000
<b>Жами:</b>						<b>6 591 825 000</b>	
2-йил		учун хом-ашё сарфи (100% қувватда, нарх ўсиши 10%)					
№	Номланиши	Үл/б	Бир кунлик сарфи	Бир ойлик сарфи		Бир йиллик сарфи	
				сони	суммаси	Сони	Суммаси
1	Олтин	гр	30	897	339 424 800	10 764	4 073 097 600
<b>Жами:</b>						<b>4 073 097 600</b>	
3-йил		хом-ашё сарфи (100% қувватда, нарх ўсиши 15%)					
№	Номланиши	Үл/б	Бир кунлик сарфи	Бир ойлик сарфи		Бир йиллик сарфи	
				сони	суммаси	Сони	Суммаси
1	Олтин	гр	37	1121	530 351 250	13455	6 364 215 000
<b>Жами:</b>						<b>6 364 215 000</b>	

## ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

### Жадвал № 13. Штатлар жадвали ва йиллик иш хақи фонди

	Лавозими	Сони	Ойлик иш хақи	Умумий иш хақи	Йиллик иш хақи (12 ой)	12 % иш хақидан даромад солиги
<b>1.1. МАЪМУРИЯТ</b>						
1	Корхона раҳбари	1	2 500 000	2 500 000	30 000 000	3 600 000
2	Ҳисобчи	1	2 300 000	2 300 000	27 600 000	3 312 000
<b>Маъмурият жами:</b>		<b>2</b>	<b>4 800 000</b>	<b>4 800 000</b>	<b>57 600 000</b>	<b>6 912 000</b>
<b>1.2. ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАР</b>						
1	Ишчи ходимлар	6	2 000 000	12 000 000	144000000	17280000
<b>Ишчи хизматчилар жами:</b>		<b>6</b>	<b>2 000 000</b>	<b>12 000 000</b>	<b>144 000 000</b>	<b>17 280 000</b>
<b>ХАММАСИ:</b>		<b>8</b>	<b>6 800 000</b>	<b>16 800 000</b>	<b>201 600 000</b>	<b>24 192 000</b>

**Жадвал № 13а. Иш хақи фондининг йилдан йилга ўсиб бориши**

<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>1 йил</b>	<b>2 йил</b>	<b>3 йил</b>
1	Маъмурият иш хақи	57 600 000	63360000	72864000
2	Маъмурият иш хақидан 12 % ажратма	6 912 000	7603200	8743680
3	Ишчи хизматчилар иш хақи	201 600 000	221760000	255024000
4	Ишчи хизматчилар иш хақидан 12 % ажратма	17 280 000	19008000	21859200
5	<b>Жами ишхақи харажатлари</b>	<b>259 200 000</b>	<b>285 120 000</b>	<b>327 888 000</b>
6	<b>Жами 12 % ажратмалар</b>	<b>24 192 000</b>	<b>26 611 200</b>	<b>30 602 880</b>
<b>ЖАМИ ИШ ХАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ</b>		<b>283 392 000</b>	<b>311 731 200</b>	<b>358 490 880</b>

**ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ**

**Жадвал № 14. Коммунал харажатлар**

Энергия ресурсларига бўлган талаб(сўм)							
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>Ў.л.бир</b>	<b>Кун- лик сарф</b>	<b>Ойлик сарф</b>	<b>Йиллик сарф</b>	<b>Бир бирлик нархи</b>	<b>Йиллик сарф қиймати</b>
<b>Биринчи йилда</b>							
1	Электр энергияси	квт/соат	65	1950	23 400	400	9 360 000
2	Ичимлик суви	м.куб	10	300	3 600	400	1 440 000
3	Оқова	м.куб	10	300	3 600	200	720 000
<b>Жами йиллик сарф</b>							<b>11 520 000</b>
<b>Иккинчи йилда</b>							
1	Электрэнергияси	квт/соат	65	1950	23 400	460	10 764 000
2	Ичимлик суви	м. куб	10	300	3 600	460	1 656 000
3	Оқова	м.куб	10	300	3 600	230	828 000
<b>Жами йиллик сарф</b>							<b>13 248 000</b>
<b>Учинчи йилда</b>							
1	Электрэнергияси	квт/соат	65	1950	23 400	575	13 455 000
2	Ичимлик суви	м. куб	10	300	3 600	575	2 070 000
3	Оқова	м.куб	10	300	3 600	288	1 035 000
<b>Жами йиллик сарф</b>							<b>16 560 000</b>
<b>Жами уч йиллик сарф</b>							<b>41 328 000</b>

## ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАРХИСОБИ

**Жадвал № 16. Ялпи ишлаб чиқариш харажатлари (танинрх калькуляцияси)**

Лойиха даврининг жами харажатлари (танинрх калькуляцияси)			
Харажат турлари	1 йил	2 йил	3 йил
<i>Кувватларнинг ўзлаштирилиши</i>	<i>100%</i>	<i>100%</i>	<i>100%</i>
Хом ашё харажатлари	3 219 840 000	4 073 097 600	6 364 215 000
Коммунал харажатлар	11 520 000	13 248 000	16 560 000
Иш хақи харажатлари	259 200 000	285 120 000	327 888 000
Ишчи-ходимларининг иш хақидан ижтимоий тўлов ажратмалари	24 192 000	26 611 200	30 602 880
<b>Жами харажатлар</b>	<b>3 514 752 000</b>	<b>4 398 076 800</b>	<b>6 739 265 880</b>

## КРЕДИТ ҚАЙТИМИ

**Жадвал № 19 Кредит қайтими жадвали**

<b>1</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>2</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>3</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>4</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>5</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>6</b>	1 000 000 000	0	11666667	11666667	1 000 000 000
<b>7</b>	1 000 000 000	33333333	11666667	45000000	966 666 667
<b>8</b>	966 666 667	33333333	11277778	44611111	933 333 333
<b>9</b>	933 333 333	33333333	10888889	44222222	900 000 000
<b>10</b>	900 000 000	33333333	10500000	43833333	866 666 667
<b>11</b>	866 666 667	33333333	10111111	43444444	833 333 333
<b>12</b>	833 333 333	33333333	9722222	43055556	800 000 000
<b>13</b>	800 000 000	33333333	9333333	42666667	766 666 667
<b>14</b>	766 666 667	33333333	8944444	42277778	733 333 333
<b>15</b>	733 333 333	33333333	8555556	41888889	700 000 000
<b>16</b>	700 000 000	33333333	8166667	41500000	666 666 667
<b>17</b>	666 666 667	33333333	7777778	41111111	633 333 333
<b>18</b>	633 333 333	33333333	7388889	40722222	600 000 000
<b>19</b>	600 000 000	33333333	7000000	40333333	566 666 667
<b>20</b>	566 666 667	33333333	6611111	39944444	533 333 333
<b>21</b>	533 333 333	33333333	6222222	39555556	500 000 000
<b>22</b>	500 000 000	33333333	5833333	39166667	466 666 667
<b>23</b>	466 666 667	33333333	5444444	38777778	433 333 333

<b>24</b>	433 333 333	33333333	5055556	38388889	400 000 000
<b>25</b>	400 000 000	33333333	4666667	38000000	366 666 667
<b>26</b>	366 666 667	33333333	4277778	37611111	333 333 333
<b>27</b>	333 333 333	33333333	3888889	37222222	300 000 000
<b>28</b>	300 000 000	33333333	3500000	36833333	266 666 667
<b>29</b>	266 666 667	33333333	3111111	36444444	233 333 333
<b>30</b>	233 333 333	33333333	2722222	36055556	200 000 000
<b>31</b>	200 000 000	33333333	2333333	35666667	166 666 667
<b>32</b>	166 666 667	33333333	1944444	35277778	133 333 333
<b>33</b>	133 333 333	33333333	1555556	34888889	100 000 000
<b>34</b>	100 000 000	33333333	1166667	34500000	66 666 667
<b>35</b>	66 666 667	33333333	777778	34111111	33 333 333
<b>36</b>	33 333 333	33333333	388889	33722222	0

## ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ҲИСОБИ

Жадвал № 19. Даромадлар ҳисоби

Даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисобот					
Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	Жами	Ўртacha
Соф тушум	5 723 400 000	6 925 314 000	9 158 727 765	21 807 441 765	7 269 147 255
Жами сарф харажатлар	3 514 752 000	4 398 076 800	6 739 265 880	14 652 094 680	4884031560
<b>Ялпи даромад</b>	<b>2 208 648 000</b>	<b>2 527 237 200</b>	<b>2 419 461 885</b>	<b>7 155 347 085</b>	<b>2 385 115 695</b>
<b>Ялпи рентабел- лик(ялпи тушумга нисбатан)</b>	<b>39%</b>	<b>36%</b>	<b>26%</b>	<b>33%</b>	<b>33%</b>
Банк хизмати	5 000 000	5 500 000	6 325 000	16 825 000	5 608 333
Кўзда тутилмаган харажатлар (Транспорт, Суғурта, рискларни коплаш вах.к.)	25 000 000	27 500 000	31 625 000,00	84 125 000	28 041 667
<b>Жами қўшимча харажатлар</b>	<b>20 000 000</b>	<b>22 000 000</b>	<b>25 300 000</b>	<b>67 300 000</b>	<b>22 433 333</b>
<b>Кредит қайтими</b>	<b>334 166 667</b>	<b>486 333 333</b>	<b>430 333 333</b>	<b>1 250 833 333</b>	<b>416 944 444</b>
<b>Жами фойда микдори</b>	<b>1 824 481 333</b>	<b>1 985 903 867</b>	<b>1 925 878 552</b>	<b>5 736 263 752</b>	<b>1 912 087 917</b>
Ягона солиқ 4 %	228 936 000	277 012 560	366 349 111	872 297 671	290 765 890
<b>Соф фойда</b>	<b>1 595 545 333</b>	<b>1 708 891 307</b>	<b>1 559 529 441</b>	<b>4 863 966 081</b>	<b>1 621 322 027</b>
<b>Соф рентабел-лик</b>	<b>15%</b>	<b>19%</b>	<b>19%</b>	<b>18%</b>	<b>18%</b>

## ЭКОЛОГИК ТАЛАБ

---

Экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ушбу лойиха атроф мухитга катта зарар етказмайди.

Техник – экологик хавфсизлик ходимларнинг муентазам ўқитилиб борилиши ва хар ой керакли инструктажлар олиб борилиб, иш жараёни хавфсизлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш орқали таъминланади.

Бундан ташқари, лойиха белгиланган меъёрлар ва норматив меъёрий хужжатларга асосланган холда, самарали тарзда, ўрнатилган тартибда иктиносидий, молиявий, экологик, ва тижорат меъёрларига асосланган хужжатлар юритиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларга зид бўлмаган фаолият асосида олиб борилади.

Янада хавфсизликни таъминлаш учун эко-экспертлар гурӯхини жалб қилиш, экологик экспертиза ва санитария гигиена хужжатларини олиб, Давлат Санитария Эпидемиология маркази маъсулларига тақдим этиб борилиши қўзда тутилган. Умуман олганда лойиха экология талабларига тўлақонли жавоб бериб, ушбу талабларда кўрсатилган классификация буйича С гурӯхига мансуб деб топилди.

---

## ХУЛОСА

---

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиха рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда **15%** фоизни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соғ рентабеллик ўрта ҳисобда **18%** фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиханинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан икки йилни ташкил киласди. Реал қопланиш муддатининг лойиха давомийлик давридан пастлиги соҳанинг молиявий – иктиносидий жозибадорлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиханинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини қўрсатмоқда. Ўндан ташқари ўртача олиниши мумкин бўлган **1 595 545 333 сўмлик** фойда хўжалик мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошка фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва кредит маблағларини ўз вақтида кайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги ишлаб чиқариш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараккий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, худуднинг иктиносидий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз хиссасини кўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб – китобларни ўрганиб чиқиб

“\_\_\_\_\_” Самарқанд вилоятида заргарлик махсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида **1 600 000 000** миқдордаги шахсий маблағини ўзлашибдиришга қарор қилади ва бу маблағларни мақсадли сарфланиши буйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Тадбиркор: “\_\_\_\_\_”

Рахбари: \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_(имзо) \_\_\_\_\_ сана «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

М. ў.